

30-июн "Ёшлар куни" байрами нишонланди



30-июн "Ёшлар куни" байрами муносабати билан бугун Қумқўрғон туманидаги "Барака" савдо мажмуасида байрам дастури бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими Анвар Нормаматов сўзга чиқиб юртбошимизнинг мамлакатимиз ёшларига ёллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, тадбирда фаол ёшлар етакчилари, спорт мураббийлари туман ҳокимининг ташаккурномаси ва эсталик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида ҳушовоз хонандалар томонидан концерт дастури намойиш этилди.